

ПИЛЛА ТАРОЗИДА

Илгарироқ Чўлигулистон маҳалласида яшовчи Раҳмоновлар оиласида пилла терила бошлаганини хабар қилгандик. Оила вакили Абдуқаҳор Раҳмонов бир қути ипак қурти ҳисобига 61 килограмм пиллани қабул пунктига топширди. Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов илғор пиллакорга қилган меҳнати учун раҳмат айтиб, қимматбаҳо мукофот билан тақдирлади. Тақдирлаш маросимида ҳоким ўринбосарлари, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Мутахассислар бу йилги пилла ҳосили чўғи ҳар қачонгиданда салмоқли эканини таъкидлашяпти. Худо хоҳласа, пилла теримини биринчи бўлиб бошлаган фермер хўжаликлари шартнома режаларини ҳам вилоятда олди ўринда бажарадилар.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-05-06 17:08:47